



Architecture, Culture, Economics and Administration, Educational Sciences, Engineering, Fine Arts, History, Language, Literature, Pedagogy, Psychology, Religion, Sociology, Tourism and Tourism Management & Other Disciplines in Social Sciences

Vol:5, Issue:14

2019

pp.111-119

journalofsocial.com

ssssjournal@gmail.com

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ

### THE STRUGGLE AGAINST SOVIET POWER IN KASHKADARYA REGION

Feruz BOBOYEV

Senior research fellow, PhD, The Institute of History of The Academy of Sciences of The Republic of Uzbekistan



Article Arrival Date : 12.03.2019

Article Published Date : 10.05.2019

Article Type : Research Article

Doi Number : <http://dx.doi.org/10.31589/JOSHAS.93>

Reference : Boboyev, F. (2019). "Қашқадарё Воҳасида Совет Ҳокимиятига Қарши Кураш", Journal Of Social, Humanities and Administrative Sciences, 5(14): 111-119

#### АННОТАЦИЯ

В статье дается краткий анализ политических процессов и социально-экономического положения в Кашкадарьинской области в советский период, а также прослежены некоторые детали вооруженного противостояния против советской власти в этом регионе.

**Ключевые слова:** Узбекская ССР, Кашкадарьинская область, советская власть, политические процессы, экономическое положение, «басмачество», политические организации

#### НОҲИЯИ ВОСЕЙ

Мақолада Қашқадарё вилоятидаги сиёсий жараёнлар, совет давридаги ижтимоий-иктисодий аҳвол ва вилоятда совет тузумига қарши олиб борилган қуролли ҳаракатнинг айрим жиҳатлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон ССР, Қашқадарё вилояти, совет ҳокимияти, сиёсий жараёнлар, иқтисодий аҳвол, “босмачилик”, сиёсий ташкилотлар.

#### ABSTRACT

The article gives a brief analysis of the political processes and socio-economic situation in the Kashkadarya region in the Soviet period, and enlightens some details of the armed struggle against the Soviet State in the region.

**Key words:** Uzbek SSR, Kashkadaryo Region, the Soviet Authority, political processes, economic situation, «the Basmachi Movement», political organization.

Ўзбекистон ССРда совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг Сурхон воҳасидан кейинги асосий маркази бу Қашқадарё воҳасидир. Воҳада қизил армияга қарши кураш кенг кўламда олиб борилганлиги билан муаммо тарихида алоҳида ўрин эгаллади.

1925 йилда Қашқадарё вилояти маъмурий жиҳатдан 3 та уездга бўлинган: Беҳбудий, Ғузор, Шахрисабз. Вилоятнинг маркази Беҳбудий (ҳозирги Қарши) шаҳри бўлган<sup>1</sup>.

Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракатга Тангри Берди Додхон – Ғузор ва Шахрисабз уездларида, Турди Тўқсанбо – Беҳбудий уездидан, Муҳаммад Али Тўқсанбо, Мулла Абдурозик, Мавлонбек ва Қодирбек Полвонлар – Шахрисабз уездидан, Мулла Эшқул Додхон

<sup>1</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 623, L. 343.

– Киршак ва Тангиҳарам волостларида, Шоҳилбек, Тоғай Ниёз, Жумабек, Қора Чопон – Ғузор уездиди, Шаймон Тўқсабо – Яккабоғ волостида ва бошқа кўрбошилар раҳбарлик қилганлар.

Ушбу гурухларнинг мақсади совет ҳокимиятига қарши кураш бўлиб, улар большевиклар томонидан жорий этилган тартибларни қабул қила олмади. Улар ўз фаолияти охиригача ўз мақсади ва эътиқодига содик қолди. Кўрбошилар аҳолининг иқтисодий имкониятларини яхшилаш, турмуш-тарзига зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш ва очликдан қирилиб кетишнинг олдини олиш мақсадида курашди. Олдинги йилларда воҳада очарчилик бу даражада кенг ёйилмаган, айнан 1925 йилдан бошлаб қурғоқчилик кучайди.

Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг энг авж олган даври бу 1925 йилнинг кузи ва 1926 йилнинг баҳор фасли эди. 1925 йилнинг кузида Қашқадарё воҳасида кўрбошилар қўл остида 500 нафаргача йигитлар совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган эди<sup>2</sup>.

Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг 1925 йилдан кейин ҳам давом этишига иқтисодий ва ижтимоий аҳволнинг издан чиққанлиги ҳамда аҳолининг яшаш тарзи оғир аҳволга тушиб қолганлиги сабаб бўлди.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, Қашқадарё вилоятининг уездларида 1925 йилда очлик ва нон танқислиги кучайланлиги кузатилади. Бу ҳолатни шундай изоҳлаш мумкинки, биринчидан, Қашқадарё вилоятининг асосий унумдор ерларининг катта қисми пахта майдонлари учун ажратилди. Пахтанинг кўп экилиши натижасида донли экинлар камайиб кетди. Иккинчидан, донли экинларнинг асосий қисми давлат фойдасига олиб қўйилиши ва шу билан бир қаторда ирригация ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида қурғоқчилик юз беришига олиб келди.

1925 йилги архив ҳужжатларида келтирилишича, Ғузор уездиди “босмачилик” ҳаракати олдингидан анча фаоллашган, кўрбошилар ўзларининг уруғдошлари томонидан доимий равища қўллаб-кувватланган. Кўрбошилар ўз уруғларининг нуфузли шахслари орқали аҳоли орасида ўз таъсирларини сақлаб турди. Бу ҳолат нимада намоён бўлади? Бу аввало қурғоқчилик ва ҳосилсизликнинг юз бериши, нон танқислигининг кучайиши ҳамда иқтисодий вазиятни кескинлашиши билан белгиланади. Натижада бир нечта оиласалар ўз районларидан кўчиб кетишга мажбур бўлди. Масалан, Шоҳилбек қўрбоши бошчилигига 450 оила ўзи яшаб турган жойини ташлаб<sup>3</sup> Беҳбудий уездига кўчиб ўтди. Бу ҳолат қўнгирот уруфининг етакчи кўрбошиси Шоҳилбек йигитларининг сафининг кенгайишига олиб келди<sup>4</sup>.

Қашқадарёда ижтимоий-иқтисодий вазият кескинлашди. Қурғоқчиликнинг қўлами, айниқса, Беҳбудий ва Ғузор уездиди кузатилди. Қашқадарёда аҳоли орасида оммавий равища очарчилик бошланди. Очарчиликнинг кенг ёйилишига етарли даражада далиллар мавжуд эди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети томонидан Қашқадарё вилояти ижроия комитети олдига очарчилик тафсилотлари билан шуғулланиш, уни бартараф қилиш ва баҳорги экинларни ташкил қилиш ҳамда етишмовчиликларнинг ўрнини тўлдириш вазифаси топширилди.

Айнан Ғузорда совет тузумига қарши қуролли ҳаракат кучли давом этганлигининг сабаби уездда қишлоқ хўжалигининг издан чиқиши натижасида кўплаб дехқонлар қатлами оғир аҳволда қолди ва яшаш шароитини яхшилаш илинжида мавжуд тузумдан норозилик билдириб, кўрбошиларнинг йигитлари сафига келиб қўшилди. Натижада дехқонлар қуролли ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Шунингдек, совет ҳокимияти томонидан кўрбошилар сафидан чиқиб кетган дехқонларга турли иқтисодий ёрдам ва эркин дехқончилик қилишларига кўмаклашилади, деган ваъдалар берилди. Аммо бу тадбирлар

<sup>2</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 617, L. 19.

<sup>3</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 696, L. 57.

<sup>4</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 618, L. 32.

қониқарли даражада бажарилмади. Бу ҳолат архив ҳужжатларида қуйидагича келтирилади: “Деҳқонлар ва ҳаракатдан четлатилган йигитларнинг аҳволи қониқарсиз ҳамда оиласий ссуда билан етарлича ёрдам қилинмаган”<sup>5</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган ижтимоий-иктисодий муаммолар воҳада совет тузумига қарши кураш кўламини янада кенгайишига асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Масалан, ГПУнинг 1925 йилги маълумотларига кўра, биргина Ғузор уездидаги қўрбошилар қизил армияга қарши кураш олиб бораётганлиги аниқланган: “... Мулла Эшқул (Кершак ва Тангихарам районларида) гуруҳининг таркиби 35 нафар, Тоғай Ниёз 40 нафар, Жумабек 38 нафар, Мушмамед Ҳожиев 60 нафар, Қодир ўғли 60 нафар йигитдан иборат бўлган. Охириги кунларда яна таркиби 20 кишидан иборат бўлган янги Қора Чопон номли қўрбоши пайдо бўлди. Унинг гуруҳи ярми ўқ отувчи куроллар билан, қолган ярми эса пичоқ, калтак ва таёклар билан куролланган”<sup>6</sup>.

Биргина Ғузор уездидаги унча катта кучга эга бўлмаган қўрбошиларнинг жами 250 дан ортиқ йигитлари қизил армияга қарши курашаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, яна бошқа таникли қўрбошиларнинг гуруҳлари мазкур рўйхатда келтирилмаган. Масалан, 1925 йилнинг иккинчи ярмида Иброҳимбек, Мустафоқулбек ва Холмуродбек каби қўрбошиларнинг қўл остида 250 кишидан иборат гуруҳлари Ғузор уездининг турли жойларида совет тузумига қарши кураш олиб бораётган эди.

Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг етакчи раҳбарлари Тангри Берди Додҳоҳ Мурод ўғли, Турди Тўқсабо, Муҳаммад Али Тўқсабо ва Мулла Абдуразик қўрбошилар эди.

Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат олиб боришида алоҳида ўрин эгаллаган таникли қўрбошилардан бири Тангри Берди Додҳоҳдир. У 1924 йил охирида курашга чек қўйиш мақсадида совет ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар бошлади ва совет ҳукуматига кескин талабларни қўйди. Унинг талабларини бажаришни истамаган ҳукумат унга қарши курашни кучайтирди. У 1924 йил декабрь ва 1925 йилнинг январь ойларида 2 марта Шахрисабз ва унинг атрофларида совет ҳокимиятини тутатган. Тангри Берди Додҳоҳни йўқотиш учун ҳукумат турли хил усусларни қўллади. Ҳатто унинг йигитлари орасида ўз одамларини киритиб, улардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланди<sup>7</sup>.

Тангри Берди Додҳоҳнинг гуруҳида қизил армия сафидан кочган қизил аскар Илья Деливеров ҳам бўлиб, у охириги вақтларда додҳоҳнинг ишончини тўла оқлаган ва яқин маслаҳатчисига айланди. Илья Деливеровга “Мусулмонқул” деб лақаб қўйилди<sup>8</sup>. Мусулмонқул 1925 йил октябрда жангларнинг бирида Шахрисабз уездининг Қалқа қишлоғида қўлга олинди<sup>9</sup>.

Тангри Берди Додҳоҳга хизмат қилган Саид Эшон<sup>10</sup> (1925 йил қузда қамоқقا олинди) ҳам аҳоли орасида катта нуфузга эга бўлган. Қўрбоши эшоннинг хизматидан унумли фойдаланди. Саид Эшон ҳукуматга қарши курашда аҳолини жалб қилишга ёрдам берди<sup>11</sup>. Туркистон фронтининг 1925 йил 19 сентябрдаги маълумотига қараганда, Шахрисабз районида маҳаллий аҳоли қизил армиянинг кўнгиллилар отрядига хизматга ўтганлиги учун Тангри Берди Додҳоҳ икки эшон ёрдамида уларни масjidга киришини тақиқлаб қўйди<sup>12</sup>.

<sup>5</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 696, L. 57.

<sup>6</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 617, L. 19.

<sup>7</sup> “Qizil O’zbekistan”, № 294. 1925 yil 6 dekabr.

<sup>8</sup> <http://siberia-miniatures.ru/forum/showthread.php?fid=12&tid=10&block=10>.

<sup>9</sup> “Qizil O’zbekistan”, № 263. 1925 yil 28 oktyabr.

<sup>10</sup> “Pravda Vostoka”, № 99. 1 maya 1926 g.

<sup>11</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 623, L. 254.

<sup>12</sup>Pogranichnie voyska SSSR 1918 – 1928. Sbornik dokumentov i materialov. –Moskva: “Nauka”, 1973. –S. 643.

Кўрбошиларнинг ахолига нисбатан шундай ҳолатларни қўллаши уларнинг қайси томонда туриши борасида бироз ўйлантириб қўйган. Шундай вазиятда қўрбошиларни қўллаб-кувватламаса, узоқ йиллик қадриятлар ва урф-одатларнинг бузилишига олиб келган. Агар қизил армия сафида иштирок этмаса оиласининг тирикчилиги учун хукумат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамдан (кўнгиллилар отрядига аъзо бўлганлиги учун) ҳам маҳрум бўларди. Хуллас, ҳар икки ҳолатда ҳам оддий ҳалқ жабр чеккан.

1925 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тангри Берди Доддохга нисбатан кучли иқтисодий ва ҳарбий характердаги жазо чораларини қўлланиши натижасида у Қашқадарё вилоятидан Сурхондарё вилоятидаги қўнғирот уруғи яшайдиган жойга кетишга мажбур бўлади<sup>13</sup>. 1925 йил 7 октябрда Тангри Берди Доддох Фузорга қайтиб келди<sup>14</sup> ва қизил аскарлар билан бир неча маротаба тўқнашди.

Тангри Берди Доддохнинг йигитлари ҳаммаси 3 линияли винтовка, шашка (қиличнинг бир тури) ва наган билан қуролланган эди. Унинг ўзида эса инглиз винтовкаси, маузер, браунинг ва 2 та наган бўлган<sup>15</sup>.

Тангри Берди Доддох ўқ-дориларни Фузор, Шахрисабз ва Самарқанддаги қизил армия қисмларидан сотиб олган. Озиқ-овқат ва отларни ем-хашак билан таъминлаш маҳаллий ахолининг зиммасида бўлган. Кўрбоши қайси қишлоқда бўлса, уларнинг таъминоти ўша қишлоқнинг обрўли ва нуфузли шахслари орқали олинган. Етишмовчилик юз берганда вақти-вақти билан пул ва кийим-кечак кўринишида ахолидан солиқ тўпланган. Солиқ йиғиши борасида қишлоқларнинг рўйхати бўлган; уларнинг қайси бири солиқ тўлаган ва қайси бири тўлаши керақ, қанча пул ва кийимга эҳтиёж борлиги хусусида аниқ маълумотлар бўлган. Тангри Берди Доддох гуруҳининг энг кам сонли бўлинмаси ўн кишидан иборат бўлиб, ундан кичиги бўлмаган. Гурухда хазиначи ва котиб каби лавозимлар ҳам бор эди. Тангри Берди Доддох ўзига кўнгилли равишда ва қурол-яроғ билан келган йигитларни олган ҳамда уларни ўзига бўйсунган қўрбошиларнинг гуруҳига юборган. Доддох ўз гурухини жуда ҳам кенгайтиришдан манфаатдор бўлмаган. Чунки қўп катта куч билан ҳаракатланиш қийин бўлган. Бундан икки нарса назарда тутилган. Биринчидан, ҳалққа қўрбошининг оғирлиги тушмасли ва улар томонидан қўрбошиларнинг қўллаб-кувватланишидан маҳрум бўлмаслик бўлса, иккинчидан қизил армия қисмларига тезда кўзга ташланмаслик мақсадида ҳам шундай йўл тутилган эди. Агар гуруҳ аъзолари қанча қўп бўлса, унинг таъминоти ҳалқни бўйнига тушган ва бу албатта, оддий деҳқонларнинг жабр кўришига ва қийналишига олиб келган. Бу гуруҳ учун эса фойдасиз бўлган<sup>16</sup>.

Тангри Берди Доддохнинг ҳаракатларини тугатиш учун ГПУнинг жойлардаги барча бўлимлари ва уларга хизмат қилаётган айғоқчилар ишга сафарбар этилди. Натижада қўрбоши ҳакида етарли маълумотлар тўпланди. Қўрбошининг кучсизланиб қолганлиги, ёнида қолган йигитлари сонининг камлиги ва уларнинг ҳолдан тойганлиги қизил армиянинг хужум қилиши учун қулай имконият эди. Шундай вазиятда Тангри Берди Доддох 1926 йил 26 апрелда Китоб районида бўлган жангларнинг бирида қўлга олинди<sup>17</sup>. У 15 июлга қадар тергов қилинди ва отиб ўлдирилди<sup>18</sup>.

Қашқадарё вилоятининг қўрбошиларидан яна бири Муҳаммад Али Тўқсабо бўлиб, у Яккабоғ, Чироқчи, Ёртепа ва Шахрисабз районларида ҳаракат қилган. У 1925 йил 5 октябрда Синобоқ

<sup>13</sup>Polojenie na basmachevskom fronte // “Pravda Vostoka”, № 43. 25 fevralya 1926 g.

<sup>14</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 618, L. 22.

<sup>15</sup><http://siberia-miniatures.ru/forum/showthread.php?fid=12&tid=10&block=10>.

<sup>16</sup><http://siberia-miniatures.ru/forum/showthread.php?fid=12&tid=10&block=10>.

<sup>17</sup> Konets glavi basmachevstva Kashkadarinskiy oblasti // “Pravda Vostoka”, 1 maya 1926 g.

<sup>18</sup> Djurabaev G. Gilyan. – Tashkent: Gosudarstvennoe izdatel’stvo xudojestvennoy literaturi UzSSR, 1939. – S. 40.

қишлоғи (Шахрисабздан 4 чақирим шимолда)<sup>19</sup> ва 21 декабрда Учқол қишлоғида қизил армия қисмлари билан кескин жанглар олиб борди<sup>20</sup>.

Туркистон фронти разведка бўлимининг 1926 йил 20 февраль – 20 мартдаги ҳисоботида келтирилишича, 2 марта Мулла Абдурозик ва Муҳаммад Али Тўқсабо Дехнавда (Китобдан 42 чақирим шимоли-шарқда) қизил армия қисмлари билан тўқнашди<sup>21</sup>. Ғузорда 10 июнда Муҳаммад Али Тўқсабо ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари билан тўқнашиб, 12 июнда у таркибини қайтадан кенгайтириш мақсадида Китоб районига келди. Аммо Муҳаммад Али Тўқсабо 17 июнда Чоршанба қишлоғида бўлган жангда қизил аскарлар томонидан асир олинди<sup>22</sup> ва 15 июлда отиб ўлдирилди<sup>23</sup>.

Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг Шахрисабз, Китоб, Хўжанд, Ургут, Фароб каби ҳудудларида бир неча йил мобайнида совет ҳокимиятига қарши курашган қўрбошилардан бири Мулла Абдурозиқдир. У совет ҳокимиятига қарши курашда 5-6 йиллик тажрибага эга бўлган.

12-ўқчи полкининг отлиқ бўлинмаси командири Е.В. Смельницкий Мулло Абдурозик гурухи билан 3 марта тўқнашди. 1925 йил апрелда Денов, июлда Ширдоғ қишлоқлари ҳамда Ҳазрат Султон тоғларида тўқнашди. Учинчи тўқнашув 9 соат давом этиб, Мулло Абдурозик бу жангда қаттиқ қаршилик кўрсатди<sup>24</sup>. Бу ҳолат Мулло Абдурозиқнинг қизил армияга қарши жангларда анча тажрибага эга эканлигидан далолат беради.

Мулла Абдурозиқнинг гурухи икки қисмдан иборат бўлган. Биринчисига ўзи, иккинчисига эса Сафар юзбоши раҳбарлик қилган. Сафар юзбоши Самарқанд вилояти чегараси ва Самарқанд уездининг Ургут районида ҳаракат олиб борган<sup>25</sup>.

1926 йилнинг баҳоридан бошлаб Қашқадарё воҳасида қизил армияга қарши жанглар яна қайтадан авж олиб кетди. 12-ўқчи полкининг отлиқ бўлинма командири қилиб 1926 йилнинг 7 февралидан бошлаб Ф.В. Предко тайинланди ва у шу даврдан бошлаб Қашқадарё воҳасидаги қўрбошиларга қарши курашни кучайтирди. 1926 йил 2 марта Мулло Абдурозик ва Ф.В. Предко ўртасида Денов боло қишлоғида кескин жанглар юз берди. Бу жангда Мулло Абдурозик қизил армия командири Ф.В. Предкони тузоққа тушириш мақсадида олдиндан режа ишлаб чиқди. Мулло Абдурозик қизил аскарлар етиб келиши биланоқ, ўзи учун қулай нуқталарни эгаллади. Икки ўртада бўлиб ўтган кураш 6 соат давом этиб, қизил армия командири Ф.В. Предконинг отряди катта талафот кўриб, жанг майдонини ташлаб кетишга мажбур қилинди<sup>26</sup>.

Мулла Абдурозиқнинг гурухи 1926 йил 24 марта Китобдан 25 чақирим шимоли-шарқда қизил армия қисмлари билан тўқнашди. 31 марта эса Гilon қишлоғидаги қизил армия гарнизонига ҳужум уюштириб, уни бутунлай вайрон қилиб ташлади<sup>27</sup>.

Шахрисабз уезди Самарқанд вилояти билан чегарадош бўлганлиги учун ушбу ҳудуд ахолиси қўрбошиларга қизил армия гарнизонларига ҳужум қилиб туришларида ёрдам кўрсатди. Аҳоли қизил армиядан яширин равишда Мулла Абдурозиққа озиқ-овқат ва отлар учун ем-хашак етказиб турди. Туркистон фронти разведка бўлими томонидан бу ҳолат аниқланиб, қўрбошиларга кўрсатилаётган ёрдамга чек қўйиш ҳамда уларни иқтисодий ва руҳий

<sup>19</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 618, L. 23.

<sup>20</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 614, L. 139.

<sup>21</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 624, L. 151.

<sup>22</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 625, L. 80; Likvidatsiya ostatkov basmachevta // “Pravda Vostoka”, № 146. 30 iyunya 1926 g.

<sup>23</sup> Djurabaev G. Gilyan. – Tashkent: Gosudarstvennoe izdatel`stvo xudojestvennoy literaturi UzSSR, 1939. – S. 40.

<sup>24</sup>Ravshanova G. Qashqadaryoda milliy qarshilik harakati tarixidan. –Qarshi: “Nasaf, 2010. – B. 84-85.

<sup>25</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 576, L. 317.

<sup>26</sup> Ravshanova G. Qashqadaryoda milliy qarshilik harakati tarixidan. –Qarshi: “Nasaf, 2010. – B. 85.

<sup>27</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 696, L. 56.

қийинчиликларга дучор қилиш мақсадида ҳаракатни қўллаб-кувватловчи аҳолига нисбатан ҳукумат томонидан жазо кампанияси бошланди<sup>28</sup>.

Мулла Абдурозик 1926 йилнинг ёз ойларида ҳам қизил армия билан бир неча марта тўқнашди ва 14 августда у 4 йигити билан бирга қўлга олинди<sup>29</sup>.

Қўрбошиларнинг ҳамма вақт ҳам иқтисодий ҳолати яхши бўлмаган. Бунинг устига уларга ёрдам берган аҳолига нисбатан жазо кампаниясининг бошланиши мавжуд ҳолатни янада мураккаблаштирди. Қизил армия қисмлари томонидан доимий равища қўрбошиларга нисбатан ҳарбий таҳдидларнинг олиб борилиши ва иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги уларни ўзини ўнглаб олишга имкон бермади. Ҳаттоқи озиқ-овқатнинг мавжуд эмаслиги қўрбошиларни уруш ҳаракатларини тўхтатишига мажбур қилди. Шундай қўрбошилардан бири Тоғай Ниёзdir. У олдинги фаолиятида қизил армияга қақшатқич зарбалар берган, аммо у кейинчалик озиқ-овқат муаммосига дуч келиб, 1925 йилнинг охирида фаол ҳаракат қилмай, қизил армиядан яширинишга ҳаракат қилди<sup>30</sup>.

Совет ҳокимияти қуролли ҳаракатни тугатишида кенг кўламда тадбирлар олиб борди. 1925 йил 10 майда Қашқадарё вилоятида 3 та зарбордor вазифа қабул қилинди. Булардан бири “босмачилик” ҳаракатини тугатиш эди. Ҳужжатда шундай маълумот келтирилади: “Босмачилик ҳақида шуни айтиш мумкинки, қисқа вақт ичида бу ҳаракатдан 150 одам тугатилди. Нафақат бошқалар билан муносабатларини эътиборга олиш керакки, улар камбағаллар, балки бойлар билан ҳам учрашмасин. Агар улар аҳоли билан учрашса, уюшиб курашни ташкил қиласди”<sup>31</sup>.

Шу мақсадда таслим бўлган йигитлар доимий равища совет ҳокимиятининг кузатувида бўлди. Бу иш билан “Босмачиликка қарши кураш кенгаш”ининг жойлардаги вакиллари шуғулланди. Уларга таслим бўлган йигитларнинг нима билан бандлигини, қўрбошилар ҳамда хориж билан алоқаларини, уларнинг совет ҳокимиятига муносабатини ҳамда аҳолининг таслим бўлган йигитлар ҳақидаги фикрини ўрганиш юклатилган эди<sup>32</sup>.

Ҳукуматнинг кучли ҳарбий тазиики ва шу билан бир қаторда иқтисодий ва сиёсий ҳарактердаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида Қашқадарёда 1925 йил охирларида ҳаракатнинг даражаси бироз пасайди, аммо мутлақо тугатилмади. Совет тузумига қарши олиб борилаётган қуролли ҳаракатни бутунлай бостириш мақсадида Қашқадарё вилояти ижроия комитети ҳам қуйидагича қарор ишлаб чиқди:

1. “Босмачилик” билан кураш шаклини ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан тўғри ташкил этиш ва бошқариш.
2. Вилоят худудида кўнгиллилардан милиция тузиш ва уларни доимий маблағ ва буюмлар билан таъминлаш.
3. Қашқадарё вилояти чегараларидаги вакилларга хабар жўнатиш ва улар ёрдамида “босмачиликка” қарши ҳарбий операция ўтказиш.
4. Мулла Розик раҳбарлигидаги ҳаракатни тугатиш

<sup>33</sup>.

Қашқадарё вилоятида аҳоли жуда ночор ахволда яшаб турганига қарамай, совет ҳокимияти ўз эрки учун кураш қатнашчиларининг ҳаракатини тугатиш мақсадида барча имкониятларни ишга солиб, қизил армия сафини кундан-кунга кенгайтириб, уларга барча иқтисодий имкониятларни яхшилаган бир пайтда, халқнинг аянчли ахволи инобатга олинмади. Аксинча, халқнинг оғир ахволидан фойдаланган ҳолда, маҳаллий аҳолини кўнгилли милиция таркибиغا жалб қилиш ва булар билан кураш шаклини яратиш усувлари қўлланди. Иқтисодий қийин бир

<sup>28</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 696, L. 56.

<sup>29</sup>Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 696, L. 2.

<sup>30</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 618, L. 34.

<sup>31</sup> Uzbekistan CSA, Fond R-87, Opis 1, Delo 41, L. 41-42.

<sup>32</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 613, L. 21-23.

<sup>33</sup> Uzbekistan CSA, Fond R-86, Opis 1, Delo 2461, L. 285.

вазият юзага келган бир пайтда дехқонлар кўнгилли милицияга қўшилиши орқали ўз оиласининг турмуш тарзини бироз яхшилаш ва уни боқиш имкониятига эга бўлди.

Қашқадарё вилоят ижроия комитети фармойишлари “босмачилик”ни тугатиш учун етарли восита бўлмади. Белгиланган вазифаларни тамомила ва бутунлай мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун, туб жой аҳоли вакилларидан кўнгиллилар отряди ва милиция ташкил этилди. Ҳукумат бу икки кураш формасини ҳар доим қўллаб-куватлаш ва иқтисодий таъминлаш тарафдори бўлди<sup>34</sup>. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятида қурғоқчилик натижасида нархларнинг кўтарилиши юз берган вазиятдан устамонлик билан фойдаланган ҳолда, совет ҳукумати раҳбарлари кўнгиллилар отряди аъзоларига ёрдам (ем-хашак, нон ва дон) кўрсатиб, уларнинг ҳукуматдан миннатдор бўлишига эришди. Бунинг натижаси ўлароқ кўнгиллилар отрядининг фаолияти ўсди.

Қашқадарё воҳасида турмуш кечириш оғир ва мураккаб вазият юзага келди. Мана шундай ҳолатда дехқонлар биринчидан, ноиложлиқдан, оиласини очликдан ўлмаслиги учун, иккинчидан, совет тузумига қарши қуролли ҳаракат тарафдорларига нисбатан олиб борилган кучли тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида совет ҳокимияти чорлаган ҳар қандай ишларни бажаришга мажбур бўлди ва мана шунинг оқибатида ўз халқига қарши қурол кўтарди. Бу нарса совет ҳокимиятининг катта бир ютуғи бўлди.

Ҳукуматнинг аҳоли орасида митинг ва намойишлар ташкил этишидан мақсад совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг тугатилганингига халқни ишонтириш ва уни аҳоли онгига сингдиришдан иборат эди. Шунингдек, қўрбошиларни обўйсизлантириш ва халқни қўрқитиши мақсадида аҳоли орасида қўлга олинган қўрбошилар ҳамда уларнинг йигитлари устидан ўтказилган суд жараёнлари намойиш қилиниб, белгиланган жазо чораларини эълон қилиш эди.

Совет ҳокимияти томонидан Гузорда разведка учун ходимларни тайёрлаш ишлари олиб борилди. Махсус тайёрланган айғоқчилар қуролли ҳаракат иштирокчилари, уларнинг қариндош-уруғлари ёки уларга ёрдам кўрсатаётган ҳамда алоқадорликда шубҳа остига олинган кишиларни аниқлаш билан шуғулланди. 1925 йил 6 октябрда Гузорда кучайтирилган ҳарбий тадбирлар бошланди. Разведка ходимлари томонидан қўрбошиларнинг ҳаракатлари узлуксиз кузатиб борилди. Натижада қўрбошилар билан муносабатда бўлган барча кишиларни қамоққа олишди<sup>35</sup>.

Ғузордаги вазиятни ўрганиш мақсадида партия ходимлари Верхобский ва Врониславскийлар жўнатилди. Тафтиш учун келган мазкур икки ходим совет ҳокимиятига қарши курашнинг бошқарув тизими, ҳаракатга алоқадор барча маълумотлар ҳамда тафсилотларни тўплади ҳамда уларни синчилаб ўрганиб чиқди. Ўзбекистон Компартияси МКда 1925 йил 1 октябрда Қашқадарё вилоятидаги ҳолат муҳокама қилинганда, тафтиш ишлари натижасида бутун воҳада қуролли ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучининг кўп қисми уруг раҳбарлари ва оқсоқоллар ҳамда собиқ амир амалдорлари эканлиги аниқланди<sup>36</sup>. Натижада шунга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, қўрбошилар учун барча йўллар ёпиб қўйилди, шу туфайли уларнинг таслим бўлишдан бошқа чораси қолмади ва 1925 йил кўп қўрбошилар таслим бўлди. Масалан, 1925 йилнинг 2 ноябрида Гузордан 14 чакирим шимоли-ғарбда бўлган Жамушди қишлоғида Шоҳилбек қўрбоши<sup>37</sup>, 5 ноябрда Қаршининг Бели-Бойли қишлоғида Хўжахон қўрбоши ва ноябрь ойининг ўзида Маҳмуд Качайни 2 та сардори Шахматулла ва Қорақўл Тўқаболар<sup>38</sup>, 20 ноябрда Мавлонбек Қатқоул қишлоғида, 27 ноябрда Исломбек Шахрисабзда таслим

<sup>34</sup> Uzbekistan CSA, Fond R-86, Opis 1, Delo 2461, L. 284.

<sup>35</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 618, L. 23.

<sup>36</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 618, L. 35.

<sup>37</sup> Shohilbek qorboshi taslim bo'ldi // "Qizil O'zbekiston", № 271. 1925 yil 9 noyabr..

<sup>38</sup> Sdalsya kurbashi Xodja-Xon i 2 komandira shayki Maximud-Kachaya // "Pravda Vostoka", № 254. 10 nayabrya 1925 g.

бўлди<sup>39</sup>. Шунингдек, декабрда Худойқул бойвачча ва Бозорбек (Китоб ва Шаҳрисабз районларида ҳаракат қилган)лар ҳам қўлга олинди.

1926 йилдан бошлаб энди қўрбошилар ҳамма вақт ҳам тўғридан тўғри қизил армия билан жангга кирмаган<sup>40</sup>. Совет ҳокимиятининг ҳарбий тайёргарлиги ва моддий техник базаси қучли бўлганлиги сабабли йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида қўрбошилар кўп ҳолларда қўққисдан ҳужум амалга оширган. Чунки совет тузумига қарши олиб борилган куролли ҳаракатнинг биринчи босқичи (1918 – 1924 йиллар)га нисбатан иккинчи босқичда (1925 – 1935 йиллар) қўрбошиларнинг йигитлари сон жихатдан камроқ, қурол-яроғлар борасида жиддий камчиликларга дуч келди ва қўлларида куроллар ҳам эски ва содда эди. Бунга Қора Чопон қўрбошининг гурухи мисол бўлади<sup>41</sup>.

Шундай қилиб, совет ҳокимияти қуролли ҳаракатни бутунлай тугатиш мақсадида барча чораларни қўллади: қизил армия сафи кенгайтирилди, маҳаллий аҳолидан кўнгиллилар отряди, ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари ташкил этилди ва уларни қурол-яроғ ҳамда от билан тўла таъминлаб, бу отрядлардан қуролли ҳаракатни бостиришда унумли фойдаланилди.

Шунингдек, совет ҳокимияти ўз душманларига қарши фақат қурол, мафкура йўли билангина эмас, балки турли тұхматларни ҳам ишга солиб курашди. Мулло Абдурозик Хўжанди ўғлига қўйилган айбларнинг энг машъуми – унинг ўз қишлоғи Жовизни ёқиб юбориш тұхмати бўлди. Бунда Мулло Абдурозикка қарши бўлган, шахсий ғаразли гувоҳлар атайин танланди. Мулло Абдурозикнинг суддаги ҳимоячиси Евгений Обонецкийнинг Ўзбекистон Олий судига ёзган шикоят хати совет жазо органларининг асл қиёфасини очиб берадиган тарихий ҳужжатдир. У кассация шикоятида шундай ёзади: “Суд ўз хукмида айбдорларга, асосан, Мулло Абдурозик Хўжандиевга бошқалар қилган жиноятларни қўйиб юборган. Масалан, Жовиз қишлоғига ўз қўйиш Мулло Абдурозик бўйнига қўйилади. Ҳолбуки, гувоҳлардан Одилов ва Султоновлар ўз қўрсатмаларида ёнғин Мулло Абдурозик Жовиз қишлоғидан қувиб чиқарилгандан кейин, қишлоқни қизил аскарлар ва милиционерлар эгаллагандан сўнг бошланганлигини қайд этдилар, лекин уларнинг бу қўрсатмалари эътиборга олинмади”. Натижада Мулло Абдурозик ва унинг сафдошлари устидан 1927 йилнинг 28 – 31 январь кунлари суд ўтказилиб, уларнинг барчаси отувга ҳукм қилинди<sup>42</sup>.

Қашқадарё воҳасида қуролли ҳаракатнинг ҳарактерли жиҳати шундан иборатки, бу даврда барча йирик қўрбошилар ўз гурухларини имкон қадар турли ҳудудларга тарқатишга ҳаракат қилган. Бундан мақсад совет қўмондонлиги ва разведкасининг назарига тез кўзга ташланмаслик ва қизил армия қисмларига қарши партизанлик урушини олиб бориш учун қилинган эди. Қўрбошилар томонидан амалга оширилган бу тактик усул, яъни йирик гурухларнинг бир нечта кичик гурухларга ажралиши, бир томондан, Туркистон фронти жангчилари ва мусулмон отлиқ аскарлар отряди томонидан кучайтирилган ҳарбий сикувлар амалга оширилган ҳудудларда кузатилган ва иккинчи томондан эса, қўрбошилар ўртасидаги турли келишмовчилик ва низолар натижасида ҳам юз берган. Бироқ, бу ҳолат совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг парчаланиши ва мағлубиятга учрашига олиб келган муҳим сабаблардан ҳам биридир.

Қашқадарё қўрбошилари қўшни ҳудудлардаги қўрбошилар билан ўзаро алоқада бўлган. Етакчи қўрбошилар вақти-вақти билан бир жойда йиғилиб, биргаликда турли муаммоларни муҳокама қилди ёки ўзаро ҳаракат қилишга келишиб олди. Бу ҳолат айниқса Турди Тўқсабо, Мулла Эшкул, Тангри Берди Додхоҳ ва бошқа қўрбошиларнинг Хуррамбек билан учрашиб турганлиги билан ҳам белгиланади.

<sup>39</sup> Kurbashi Mavlonbek slojil oruje // “Pravda Vostoka”, № 265. 28 noyabrya 1925 g.

<sup>40</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 614, L. 139.

<sup>41</sup> Uzbekistan APO, Fond 58, Opis 1, Delo 617, L. 19.

<sup>42</sup>Ravshanova G. Qashqadaryoda milliy qarshilik harakati tarixidan. –Qarshi: “Nasaf”, 2010. – B. 87.

Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг таъсири кучайиб, ҳарбий тазиيқ ҳамда кучли жазо механизмларининг амалга оширилиши натижасида мавжуд тузумга қарши бўлган деярли барча кучлар ва қўрбошиларнинг энг катта гурухлари тугатилди, айримлари таслим бўлди, шунингдек, бир қисми хорижга кетиб қолишга мажбур бўлди. Мана шундай тадбирлар натижасида воҳада совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг кўлами пасайтирилди ва 1927 – 1929 йилларда қуролли ҳаракат деярли қўзга ташланмайди. Лекин большевиклар томонидан воҳада амалга оширилган колективлаштириш\_сиёсати натижасида норозилик ҳаракатлари яна қайтадан кучайди.

Хужжатларни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса аён бўладики, маълум бир гурухлар томонидан совет тузумига қарши қуролли ҳаракат 1930 йилдан кейин яна ташкиллаштирилди. Ушбу гурухлар колхозлаштиришга ва бой дехқонларнинг мол-мулкининг мусодара қилинишига қарши курашди.

ОГПУнинг Шаҳрисабз бўлими томонидан 1933 йил 23 июлда Ҳайдар Рўзиев ва бошқалар (жами 20 киши) устидан суд жараёни бошланди. Архив ҳужжатлардан маълум бўлишича, Ҳайдар Рўзиев ва бошқалар бой чорвадор Хушматбойга гуруҳ ташкил этишда, қурол сотиб олиб беришда ва аҳолини унинг гурухига жалб қилишда ёрдам берганликда ҳамда колхозлаштиришга қарши бўлганликда айбланди. Хушматбойнинг гурухи 1932 йилда тугатилди.

Яна бир ҳужжатда келтирилишича, 1931 йил ноябрда Қашқадарёнинг чўлларида Ражаб Ясовул бошчилигида бошқа бир гуруҳ ҳам фаолият олиб бораётган эди. Бу далиллар 1932 йилдан кейин ҳам воҳада қуролли ҳаракат давом этганлигини тасдиqlайди. Лекин бу гурухлар совет ҳокимияти учун катта хавф туғдирмасада, улар кузатувда бўлган. Бу гурухлар унча катта кучга эга бўлмаган, асосан яширин равищда ҳаракат олиб борган. Бу пайтда ошкора фаолият олиб боришнинг сира ҳам иложи бўлмаган. Чунки бу йилларда жазо механизмлари жуда кучли иш бошлаган эди.

Хуллас, Қашқадарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат анча кенг кўламда олиб борилди ва бу ҳар доим ҳукumatни кучли саросимага солиб турди. Марказнинг республикаларда олиб борган нотўғри сиёсати натижасида юзага келган мазкур қуролли ҳаракатда турли ижтимоий тоифа ва қатламлар иштирок этди. Қашқадарё воҳасида, айниқса қўнғирот уруғи анча кўпчиликни ташкил этди.

Совет ҳокимияти барча қуролли ҳаракат иштирокчиларига нисбатан кучли иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жазо чораларини амалга оширди. Марказдан кўплаб қизил армия қисмларининг Ўзбекистон ССР ҳудудига келтирилиши ва туб ерли аҳолидан қўнгиллилар отряди ҳамда ўз-ўзини муҳофаза қилиш каби отрядлари ташкил этилди. Натижада улар ёрдамида қуролли ҳаракатнинг асосий ҳарбий раҳбарлари қўлга олинди ва мавжуд тузумга қарши норозилик ҳаракатлари аста-секин тугатилди.